



### Иқтисодий жиноятлар тушунчаси, мазмуни ва моҳияти

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

"Бакалаврият факультети" прокурори:

**Саттаров Жасурбек Авазбекович**

Жиноят – тарихий жиҳатдан ўзгарувчан ижтимоий ва жиноий-ҳуқуқий салбий ҳодиса бўлиб, у маълум бир ҳудудда маълум вақт ичида содир этилган жиноятлар тизимидир.

Дунёдаги энг йирик маълумотлар базаси Numbeo ([www.numbeo.com](http://www.numbeo.com)) маълумотларига кўра 2023 йил бошида жиноятчилик даражаси бўйича мамлакатлар рейтингда Ўзбекистон 142 та давлат орасида 104-ўринни эгаллади.

Статистика агентлиги маълумотларига кўра мамлакатда жиноятчилик даражаси жиноятчилик индексини баҳолаш асосида ҳисобланади, 0 дан 19,99 гача бўлган индекс жуда паст, 20 дан 39,99 гача – паст, 40 дан 59,99 гача – ўртача, 60 дан 79,99 гача – юқори, 80 ва ундан юқори – жуда юқори даражани билдиради. Ачинарли “етакчилик” 82,6 ва 79,9 индекслари билан Венесуэла ва Папуа-Янги Гвинеяга тегишли бўлиб, бу жиноятчиликнинг жуда юқори даражасини билдиради. Кейинги ўринда Афғонистон (3-ўрин 78,6 индекс билан). Россия 39,3 индекс билан 94-ўринда, Қирғизистон 38-ўринда 54,6 индекс билан, Қозоғистон 48-ўринда (индекс 52,7). Ўзбекистон индекси 33,5 ни ташкил этиб, бу жиноятчиликнинг паст даражасини, хавфсизлик даражаси эса 66,5 ни ташкил этади.

Содир этилаётган жиноятлар орасида иқтисодий жиноятлар салмоқли ўринни эгаллайди. Улар келтирадиган зарарнинг салмоғи эса унданда зиёда ҳисобланади. Оммавий ахборот воситаларини кузатар эканмиз, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан олиб борилаётган самарали чора-тадбирларга қарамасдан деярли ҳар куни иқтисодий жиноятлар билан боғлиқ ҳолатлар аниқланаётганлигига гувоҳ бўламиз. Қуйида мазкур турдаги жиноятларнинг ўсиш



динамикасига оид маълумотни келтириб ўтамыз.

1-расм<sup>1</sup>



Ушбу диаграммадан маълум бўладики, 2021 йилга нисбатан иқтисодий жиноятлар қарийб икки ярим баравар, уни содир этишда иштирок этган шахслар сони қарийб икки баравар ортган. 2022 йилга келиб мазкур кўрсаткич камайганига қарамадан жиноятлар ва уларни содир этган шахслар сони юқориликча турибди.

Шу билан кўрилатган зарар миқдори ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг маълумотига кўра, 2019-2020 йилларда республика бўйича 371 млрд сўм бюджет маблағларини талон-торож қилиш ҳолатлари аниқланиб, бу қилмишлар учун 2477 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган.

Президент топшириғига асосан 1379 та янги объектнинг лойиҳа ҳужжатлари қайта кўриб чиқилганда, дастлабки қийматга нисбатан 1,5 трлн сўм ёки 22 фоиз харажатлар ортиқча ва асосиз киритилганлиги аниқланиб қисқартирилди.

Бундан ташқари, Ҳисоб палатаси томонидан жами 82 та объектда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши бўйича текширишлар ўтказилиб, 66 млрд

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги, электрон нашр, 2023. 463-бет



сўмлик молиявий хато ва камчиликлар мавжудлиги аниқланди.

Шу билан бирга, 23 млрд сўмлик 21 та объектни қуриш юзасидан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ўтказилган тендер ва танловларда буюртмачи ва пудратчилар ўртасида қариндош-уруғчилик, таниш-билишчилик ҳолатларига йўл қўйилган.

Текширишларда аниқланган жиддий қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 111 та жиноят иши қўзғатилди.

Ушбу тоифадаги жиноят ишлари бўйича давлат ва жамият манфаатларига 260,7 млрд сўмлик моддий зарар етказилганлиги аниқланиб, унинг 47,6 млрд сўми ундирилиши таъминланди<sup>2</sup>.

Буларнинг барчаси сабабли бугунги кунда иқтисодий жиноятлар энг кўп содир қилинаётган жиноятлар рейтингида биринчиликни қўлдан бой бермай келмоқда. 2022 йил давомида рўйхатга олинган 105 215 та жиноятларнинг аксарияти иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар – 45,2 %, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар иккинчи ўринда – 22,6 %, шу билан бир қаторда ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолияти тартибига қарши жиноятлар – 17,0 %, шунингдек, шахсга қарши жиноятлар – 14,7 % ни ташкил этган.

Умуман олганда, «иқтисодий жиноятлар», «иқтисодий жиноятчилик» атамалари сўнгги ўн йилликда ҳамманинг оғзида. Хусусан, кучли бузғунчи ва дисфункционал хусусиятга эга бўлганлиги сабабли иқтисодий жиноят миллий миқёсдаги муаммога айланган. Натижада, мазкур жиноят турлари “иқтисодий соҳада ҳам, ижтимоий соҳада ҳам содир бўлаётган жараёнларга салбий таъсир кўрсатмоқда”<sup>3</sup>. Кишиларнинг эртанги кунига шубҳа билан қарашига сабаб бўлмоқда. Бу Свенссон шу билан ҳамоҳанг тарзда иқтисодий жиноятлар жамият маънавиятига салбий таъсир кўрсатишини, бутун ижтимоий-сиёсий тизимга бўлган ишончни сусайтиришини, иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги давлат режалаштиришга салбий

<sup>2</sup> <https://kun.uz/news/2021/02/08/songgi-ikki-yilda-korrupsiyaviy-jinoyatlar-oqibatida-371-mlrd-som-budjet-mablaglarini-talon-toraj-qilish-holatlari-aniqlangan-bosh-prokuratura>

<sup>3</sup> Колесников В.В. Преступность в сфере экономической деятельности и ее криминологическая характеристика // Вопросы квалификации и расследования преступлений в сфере экономики. Саратов, 1999. С. 75.



таъсир кўрсатишини ҳам қайд этади<sup>4</sup>.

Шу билан бирга, жиноят ҳуқуқи фанида иқтисодий жиноятлар тушунчасига илмий таъриф бериш бўйича умумий фикр мавжуд эмас. Таъкидланишича, бундай тушунчанинг чегараларини унинг (тушунчанинг) ҳаммага маълум бўлган шартлилик ҳолати туфайли қатъий жиноий-ҳуқуқий маънода аниқ белгилаш, одатда, жуда қийин кечади<sup>5</sup>.

Яна бир ўринда “деярли ҳар қандай жиноятни иқтисодий, яъни унинг субъекти бевосита ёки билвосита моддий манфаат оладиган жиноят тоифасига тушириш мумкин эканлиги”<sup>6</sup> қайд этилган. Агар моддий манфаатдорликни иқтисодий жиноятнинг мажбурий ва муҳим белгиси деб ҳисобласак, унда бундай фикр-мулоҳазалар мавжуд бўлиш ҳуқуқига эга.

Масалан, ҳаётга кўплаб тажовузлар шахсий манфаатлар учун қилинади ва бежизга Жиноят кодекси 97-моддаси 2-қисми (оғирлаштирувчи ҳолатда қасддан одам ўлдириш) билан квалификация қилинадиган ҳолатлар сифатида “и” (тамагирлик ниятида) ва “л” (безорилик оқибатида) бандлари киритилмаган. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 13-сон қарори 14-бандида таъкидланганидек, айбдорнинг ўзи ёки бошқа шахслар учун **моддий наф кўриш** (пул, мол-мулкни ёки унга эгалик ҳуқуқини, турар жойга нисбатан ва шу каби ҳуқуқларни қўлга киритиш) ёки моддий харажатлардан (мол-мулкни, қарзни қайтаришдан, хизматга ҳақ тўлашдан, мулкий мажбуриятларни бажаришдан, алимент тўлаш ва шу кабилардан) қутулиш мақсадида қасддан одам ўлдириши таъмагирлик ниятида содир этилган жиноят сифатида (ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг “и” банди билан) квалификация қилиниши лозим.

Қотиллик учун ҳақ ваъда қилган ташкилотчи (буюртмачи)нинг ҳаракатлари у қайси сабабларга кўра шундай қилганлигидан келиб чиқиб, Жиноят кодексининг 28, 97-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилинмоғи керак.

<sup>4</sup> Свенссон Б. Экономическая преступность. М., 1987. С. 13.

<sup>5</sup> Яни п. С. Экономические и служебные преступления. М., 1997. С. 32.

<sup>6</sup> Лопашенко Н.А. Экономическая преступность: понятие, состояние и проблемы борьбы // Вопросы квалификации и расследования преступлений в сфере экономики. С. 13.



Жиноят иштирокчилари ўртасида қасддан таъмагирлик ниятида одам ўлдириш тўғрисида олдиндан тил бириктирилмаган тақдирда, қотиллик жиноятини бажарувчи шахсининг ҳаракатлари ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг “и” банди билан, бошқа иштирокчиларнинг ҳаракатлари эса, ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг “и” банди истисно этилган ҳолда, ушбу модданинг тегишли қисми билан квалификация қилинади.

Босқинчилик, товламачилик билан боғлиқ ҳолда қасддан одам ўлдириш ҳаракатлари ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг “и” банди ҳамда Жиноят кодексининг босқинчилик ва товламачилик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари билан квалификация қилинади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги, электрон нашр, 2023. 463-бет
2. <https://kun.uz/news/2021/02/08/songgi-ikki-yilda-korrupsiyaviy-jinoyatlar-oqibatida-371-mlrd-som-budjet-mablaglarini-talon-toraj-qilish-holatlari-aniqlangan-bosh-prokuratura>
3. Колесников В.В. Преступность в сфере экономической деятельности и ее криминологическая характеристика // Вопросы квалификации и расследования преступлений в сфере экономики. Саратов, 1999. С. 75.
4. Свенссон Б. Экономическая преступность. М., 1987. С. 13.
5. Яни п. С. Экономические и служебные преступления. М., 1997. С. 32.
6. Лопашенко Н.А. Экономическая преступность: понятие, состояние и проблемы борьбы // Вопросы квалификации и расследования преступлений в сфере экономики. С. 13.